

Ўғирланган машина

21:43 / 25.04.2016 2417

Ассалому алайкум! Ҳазрат, мен бундан 22 ой олдин ижарага машина олган эдим, жами 30 ойга. Ўтган Жумъа намозидан кейин расмийлаштириш учун ДАНга бордик. Машинани кўриқдан ўтказишга олиб киришди. ДАН ходими машинани кўриб: «Аформит қилинмайди», деб айтди ва ҳужжатларни олиб қўйди. «Тушунтириб беринг», десам, «Машинани моторини рақами қўлда ўзгартирилган», деб айтди. Менга бу ҳақда эгаси айтмаган, айтган бўлганларида, мен бу машинани олмаган бўлардим. Отам сўрагандилар, мен бор гапни айтдим, отам: «Дарҳол обориб бер, бу машина ўғирланган бўлиши мумкин», деб айтдилар. Эгаси моторини алиштириб бераман деб айтганди, энди бўлса «Фақат шу рақами бор блокни олиб бераман, қолганини ўзинг қиласан», деб айтди. Отам обориб бергин деб турволдилар. Ўғирланган бўлиши мумкин, деяптилар. Обориб беришга ҳаққим борми?

ЖАВОБ: Бисмиллаҳир роҳманир роҳийм.

Савдо вақтида сотувчи беркитган айб вақт ўтиши билан равшан бўлди. Харидор сотиб олинган нарсани қайтариб беришга ҳаққи бор. Валлоҳу аълам.